2007 ЙИЛ, 2 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 23 (10.832) Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни
Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

●**СОБИР** Раҳимов туманидаги «Шифокорлар» маҳалласида маҳалланинг фаол аёллари, ҳуқуқшунослар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Қонун устуворлиги» деб номланди.

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида «Огоҳлик—давр талаби» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

●**КЕЧА** Бектемир туман ўқувчилар ижодиёт марказида «Миллий анъаналар ва замонавийлик» мавзуида тасвирий ва халқ амалий санъати намуналари бўйича ўқувчилар ўртасида фестиваль ўтказилди.

●**«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Марказий Кенгаши қошида Халқаро муносабатлар ва жамоатчилик билан ишлаш бўлими фаолият бошлади.

●**ТОШКЕНТ** Педагогика коллежида Чилонзор туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ўқувчилар иштирокида уюштирилган ўқув семинари «Оила—муҳаббат қасри» деб номланди.

●**КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги ихтисослаштирилган Хотин-қизлар коллежи ҳамда Тошкент Иқтисодиёт коллежида Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан «Оилада ота-она ҳамда фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчлари» мавзуида тадбирлар ўтказилди.

●**КЕЧА** Миробод туманидаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи республика лицейида Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Республика Халқ таълими вазирлиги ҳамкорликларида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Аждодлар жасорати—авлодларга ибрат» деб номланди.

● **«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШ»** банкнинг Тошкент шаҳар бўлими мижозларига қулайлик яратиш ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида янги омонат турларини жорий этди.

●**АЛИШЕР** Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида атоқли рус шоири Пушкин ижодига бағишлаб «Ўзбекистон — умумий уйимиз» мавзуида адабий кеча ҳамда «Пушкин асарлари — хорижликлар нигоҳида» деб номланган кўргазма уюштирилди.

● **«ЎЗБЕКИСТОН** маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Педагогик грантлар» дастури доирасида ўқитувчилар ўртасида уюштирилган кўрик-танловнинг якуний босқичи ўтказилди, ғолиблар тақдирланди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

*Қўшма корхоналарда*

## ДАРМОНДОРИЛАРГА БОЙ МАҲСУЛОТЛАР

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ИЗЛАНИШ, ЯНГИЛИК ЯРАТИШ ҲАР ҚАНДАЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИГА, БОЗОРДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПИШИГА ОМИЛ БЎЛИШИ, ШУБҲАСИЗ.**

Пойтахтимизда бир неча йилдан буён фаолият кўрсатаётган «GREEN WORLD» қўшма корхонаси тадбиркорлари ҳам ички бозорни сифатли маҳсулот билан таъминлаш баробарида рақобатбардош товарларни хорижга ҳам экспорт қилишмоқда. Корхонанинг юксак унумли замонавий линиялар билан жиҳозланган цехларида маҳаллий ҳамда четдан келтирилган хом ашёдан тайёрланаётган табиий шарбатлар тури ортиб, уларни харидор дид ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда қадоқлашга ҳам эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунга келиб «Тетрапак» линияси асосида қадоқланаётган табиий шарбатларнинг тури 11 хилдан ортди. Айниқса, дармондориларга бой ўрик, шафтоли, анор, олма, узум, нок ва апельсин шарбатлари мазаси билан харидорларга манзур бўлмоқда. Сақланиш муддати 1 йилни ташкил этган табиий шарбатлар сифати билан хорижда тайёрланган ана шундай товарлардан асло қолишмаслиги баробарида бирмунча арзон нархда. Асосийси эса улар жаннатмакон юртимизнинг ширидан шакар мевалари ҳамда дармондориларга бой сабзавотларини қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотлар Россия, Қозоғистон, Туркия ва бошқа хориж давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Ўтган йилда корхонада тайёрланган янги маҳсулот —«Jusic» деб номланган суюқ шарбатлар ҳам харидорларга етказиб берилмоқда.

— Корхонамизда ўтган йилларда ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот турларини бир неча бараварга оширишга эришилмоқда, — дейди корхона менежери Манзура Маҳмудова. — Ҳозирда маҳсулотларимиз тури 50 хилдан ортиб кетди. Улар орасида табиий шарбатлардан ташқари жем ва компотлар, томат пасталари ҳам бор. Уларни 2 литрлик ҳамда кичик ҳажмдаги шиша идишларга қадоқлашни йўлга қўйганмизки, бу харидор учун қулай ҳисобланади. Шуни алоҳида айтиб ўтишим лозимки, олий нави шарбатларимиз Женевада ўтказилган танловда олтин медалга сазовор бўлди. Ушбу муваффақият тадбиркорларимизни янги изланишларга, экспорт ҳажмини оширишга ундамоқда.

Жорий йилда ҳам корхонада янги маҳсулот турларини яратиш устида изланишлар давом этади. Энг сара мева ва сабзавотлардан тайёрланган табиий шарбатлар нафақат ички, балки жаҳон бозорида ҳам муносиб ўрин топади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхона цех ва лабораторияларида маҳсулот сифатини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

**Наталья Семёнова олган суратлар**





## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Аҳолини шинам уй-жой билан янада тўлароқ таъмин этиш, уй-жой қурилишини, айниқса кичик шаҳарлар ва қишлоқларда жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишига узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш масалаларига муҳим аҳамият бериб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Якка тартибдаги уй-жой қурувчиларни ҳамда аҳоли учун уй-жой барпо этаётган хўжалик юритувчи субъектларни кредитлашга кўмаклашиш мақсадида мазкур қарор асосида "Ипотека-банк" акциядорлик-тижорат ипотека банки ҳамда Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Қарор бу соҳадаги қонунчилик базасини ривожлантиришга кудратли омил бахш этди. "Ипотека тўғрисида"ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Якка тартибдаги уй-жой қурилиши тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 2006 йил 30 декабрдаги ҳамда "Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 2007 йил 3 январдаги қарорлари қабул қилинди.

Ана шу муҳим масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда "Ипотека-банк" акциядорлик-тижорат ипотека банки ҳамкорлигида "Ипотека муносабатларини ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари" мавзуида ташкил этилган давра суҳбатида муҳокама этилди.

Давра суҳбати иштирокчилари таъкидлаганидек, ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча минтақаларида "Ипотека-банк"нинг 38 филиали ва 150 дан ортиқ минибанки аҳолининг кенг қатламларига банк соҳасида замонавий хизматлар кўрсатиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида банк ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан уй-жой қурилишига, уни сотиб олиш ва таъмирлашга ўз маблағлари ҳисобидан 7,1 миллиард сўм миқдорида, шунингдек, қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларга 22,8 миллиард сўм миқдорида ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 14,2 миллиард сўм миқдорида ипотека кредитлари берилди. Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли ипотека кредитлари бериш механизми йўлга қўйилмоқда.

Анжуманда ипотека муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳамда уй-жой қурилишига узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериш тизимини жорий этиш тажрибаси, шунингдек, юқорида зикр этилган қонун ҳужжатлари қабул қилинганлигидан келиб чиқиб, ипотека муносабатларининг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Тадбирда мамлакатимизда, айниқса кичик шаҳарлар ва қишлоқларда уй-жой қурилишига ипотека кредитлари берилиши устидан мониторинг ташкил этиш ҳамда бундай кредитлашнинг рағбатлантирувчи механизмини жорий этишнинг, шунингдек, ёш оилаларни аниқ тарзда ижтимоий ҳимоя қилишнинг аҳамияти ва зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Баҳс ва мунозаралар асносида ипотека бозорини ривожлантириш ҳамда ипотека муносабатларини рағбатлантириш, ипотекани рўйхатдан ўтказиш механизмларини такомиллаштириш, қимматли қоғозлар бозори ва ипотека билан боғлиқ бошқа молиявий бозорларнинг норматив-ҳуқуқий базасини шакллантириш масалалари юзасидан давра суҳбати иштирокчилари ўз таклифларини билдирдилар ҳамда тавсиялар қабул қилдилар.

Давра суҳбатида сенаторлар, Марказий банк, вазирлик ва идоралар, тижорат банклари, муҳандислик-қурилиш компаниялари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати**

## «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ГЕРМАНИЯ ЖАМОАТЧИЛИГИ НИГОҲИДА

**БЕРЛИНДА 2007 ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ГЕРМАНИЯНИНГ ИЛМИЙ ДОИРАЛАРИ ВА ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ. ТАДБИР «ПАРИТЕТИШЕ» ХАЙРИЯ МУАССАСАСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГЕРМАНИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

Кеча иштирокчилари аҳолининг кам таъминланган қатламлари – нафақахўрлар, ногирон, парваришга муҳтожлар, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан республика раҳбарияти кўраётган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар билан танишдилар.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар, шунингдек, жамиятда меҳр-мурувват ва ўзаро тушуниш, саховат муҳитини кучайтиришни назарда тутувчи ташаббуслар ҳақидаги маълумотлар тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда сўзга чиққан «Паритетише»-нинг жамоатчилик билан алоқалар бўлими раҳбари Н.Хоффманн хоним Ўзбекистондаги мавжуд эзгу анъана - ҳар йилнинг муайян ном остида эълон қилинишига алоҳида тўхталди.

— Бу мавжуд бўлган биринчи даражали муаммоларни ечишга имкон бериши баробарида жамият ҳаётидаги туб ўзгаришларни рағбатлантирмоқда ҳам, — деди у. — Мазкур анъана ҳамжиҳатлик туйғулари ва соғлом ижтимоий ҳаёт тарзи мустаҳкамланишига хизмат қилаётир.

Берлиндаги «Карло» нашриёти директори К.Рот Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий ҳимоя масалалари юзасидан чора-тадбирларнинг муҳимлигига эътибор қаратди. «Республикада олиб борилаётган ижтимоий сиёсат Ўзбекистон раҳбариятининг ўз халқи тўғрисида ғамхўр эканлигининг яққол далилидир», — деди К.Рот.

Тадбир иштирокчиси, «Паритетише»-нинг ёшлар ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси Г. Зайферт хоним ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш бўйича «Ижтимоий ҳимоя йили»да белгиланган чора-тадбирларни юксак баҳолар экан, республикада ўсиб келаётган авлоднинг имкониятларини ҳар томонлама намоён қилиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилаётганини қайд этди.

Тадбир доирасида иштирокчиларга Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильм намойиш этилди.

**«Жаҳон» АА**
**Берлин**

## XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Кеча Ўзбекистон Фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуманда «Нуроний» жамғармасининг 2006 йил якунларига оид сарҳисоби ва «Ижтимоий ҳимоя йили»да қилинажак ишлар дастури хусусида сўз борди. Шунингдек, ислоҳотларга жадаллик бахш этишда ёшлар тарбиясига эътибор қаратилиши керак бўлган вазифалар хусусида ҳам йиғилишда ошкора фикр юритилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Хитойнинг «Машимпэкс» давлат корпорацияси ўртасида тузилган шартномага мувофиқ Қашқадарё вилоятига 20 та экскаватор ва 4 та бульдозер келтирилиши мўлжалланган. Куни кеча дастлабки туркум техникалар — 7 та экскаватор ва 4 та бульдозернинг олиб келиниши муносабати билан тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

**● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейи Ўсмирлар симфоник оркестрининг концерти бўлиб ўтди.**

**● Сирдарё вилоятидаги фермер хўжалиги раҳбарларининг беш кунлик ўқув семинарлари бошланди. Бу сафар машғулотлар ҳар бир туманнинг ўзида жойлашган касб-ҳунар коллежларида ўтказилмоқда. Вилоятнинг 9 жойида ташкил этилган гуруҳларда 8720 нафар фермер ўзларининг ҳуқуқий, иқтисодий ва агротехникавий билимларини, малакаларини оширмоқдалар.**

**● Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб «Камалак» болалар ташкилотининг шаҳар бўлими ва Сардорлар Кенгаши ташаббуси билан Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлари ўртасида «Самарқанд фольклори» кўрик-танлови эълон қилинди.**

**●Тошкентдаги Шастри номидаги ҳинд маданият маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ҳиндистон—Ўзбекистон» дўстлик жамияти ташаббуси билан Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ҳиндистон Республикасининг Миллий байрами—Республика кунига бағишланган байрам тадбири ўтказилди.**

**●Фарғона вилояти, Учкўприк туманидаги «Amaton» масъулияти чекланган жамиятида асосан ойналарга ишлов берилади ҳамда поролон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Кейинги пайтда ойнага ишлов бериш цехига 50 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиб, хориждан замонавий технологиялар олиб келиниши ҳисобига ўттиз киши доимий иш билан таъминланди.**

### ЖАҲОНДА

**● Кеча Кремлда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан 1200 дан ортиқ Россия ҳамда хорижлик журналистлар иштирокида катта матбуот анжумани бўлиб ўтди. Олтинчи бор ўтказилган ушбу анъанавий тадбир давомида В.Путин 3,5 соатдан кўпроқ вақт мобайнида 65 журналистнинг турли мавзулардаги саволларига жавоб қайтаришга муваффақ бўлди.**

**● Венесуэла Президенти Уго Чавесга янги ваколатлар берилди. Мамлакат парламенти депутатлари энергетика ва бошқа ўнлаб соҳаларда ислоҳотлар ўтказишда Президент ваколатларини кенгайтирувчи қонун лойиҳасини қабул қилдилар. Ҳозирда мамлакатдаги нефть ва газ конларининг давлат ихтиёрига ўтказилиши кутиляпти.**

**● Эквадор Президенти мамлакатнинг янги мудофаа вазири номини эълон қилди. Мамлакат раҳбари Рафаэл Корреанинг сўзларига кўра яқинда авиаҳалокат оқибатида ҳаётдан кўз юмган аввалги мудофаа вазири Ларрива хонимга нисбатан ҳурмат юзасидан мудофаа вазирлигига бу гал ҳам аёл киши бошлиқ этиб тайинланган. У Эквадор университети профессори, 41 ёшли Лорена Эскудеро хонимдир.**

**● Бавария прокуратураси Марказий разведка бошқармасининг 13 нафар ходимини қамоққа олишга рухсат берди. Улар Германия фуқароси Халед Масрини «Ал-Қоида» ташкилотига мансуб бошқа кимса билан адаштирган ҳолда ўғирлаб Афғонистондаги махфий қамоқхоналарнинг бирида беш ой мобайнида ушлаб туришган.**

**● Кучли шамоллар ва тинимсиз ёғаётган қорни кўтара олмаган Сочи шаҳридаги юқори босимли электр симларининг узилиши натижасида шаҳарнинг учдан бир қисми икки кундан буён электр қувватисиз қолди. Ҳозирда симларни созлаш ишлари кетмоқда.**

**● АҚШнинг Бостон шаҳридаги иккита кўприк таги ва бошқа жойларда ичига номаълум электрон схемалар жойланган ўнта шубҳали пакет топилиши муносабати билан тревога кўтарилди. Шаҳарда хавфсизлик чоралари кучайтирилди. Полициянинг маълум қилишича, ушбу шубҳали пакетлар янги мультсериалнинг реклама кампанияси муносабати билан ташлаб қўйилган экан. Айтиш керакки, ёлғон тревога кўтаришда айбланиб, икки киши ҳибсга олинди.**

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 3 февраль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси ва кундузи 6-8 даража илиқ бўлади.

# Оила даврасида

## Ҳаёт сабоқлари

### ҚЎШНИ ДЕВОР

«Себзор» маҳалласидаги кўчалардан бирида икки қўшни жуда аҳил яшашарди. Ўртада урилган девор, унинг бир четида эса эшик ҳам қурилганди. Қўшни эшикка сира тамба тушмас, доим очиқ эди. Ҳар икки қўшнининг ҳовлиси файзли, гавжум, ёзда мисоли жаннатнинг ўзгинаси. Анвойи гуллар очилиб ётар, турли хил мевалар—гилос, тут, олхўри, шафтоли, кўксултон дейсизми, узум, анор, анжиргача бор. Бир-бирлариникига чиқиб яйрашарди.

Йиллар ўтиб қўшниларнинг болалари улғайиб, жой торлик қила бошлади. Улар серфарзанд эмасми, вақти келиб, қўшни девор тарафга ноилож уй қурмоқчи бўлишди. Иккисиям бир-биридан яхши қўшнилар-у, бириси иккинчисига нисбатан ниҳоятда сахий, кўнгли очиқ, бағрикенг эканми, қўшни эшикдан деворга мўралаб, разм солиб деди: «Шу девор ўртамизда қолаверсин, қўшнижон, уйни қуришни бошлайверайлик, сизгаям, менгаям бўлаверади, қўшни эшик жойида бузилмай тураверади», деб мақсадини гапириб қўяқолди.

— Ҳай-ҳай, шошилманг, ишни пухта бўлгани яхши. Ҳали невара-эваралар кўрамиз, борабора олма, ўрик бўлармидик, қарияпмиз. Айтгандай бу деворни қурган ким?—деди киноя билан кутилмаганда иккинчи қўшни.

— Сиз. Ер, лойи мендан бўлгани рост...

— Йўқ, унақаси кетмайди, таомилга кўра девор кўтарганники бўлади, —деди жиддий оҳангда иккинчи қўшни.

— Ие, қўшнижон, бу қанақаси? Ахир, ўшанда келишиб олган эдик-ку, — деганича термулиб қолди биринчи қўшни...

Охири бўлмади. Икки қўшни тинч турган қўшни девор тарафга уй қурамиз, деб қизаришиб, тортишишди, маҳалла оқсоқоллари, қўни-қўшниларнинг аралашишига тўғри келди. «Демак, қўшни девор ўртада, иккингизнинг ҳам ҳаққингиз бор экан» деган қарорга келишди. Девор урган қўшни: «Йўқ, девор меники» деб туриб олди. «Ундай бўлса, ўзларинг келишиб олинглар» деб, йиғилганлар тарқалишди.

Кўп вақт ўтмай, иккинчи қўшни девори устидан девор уриб, уй қуришни бошлаб юборди. Ер, тупроқ берганига пушаймон бўлган қўшни фиғони фалакка кўтарилиб, қўшни деворга тиркаб девор ураркан, жаҳли чиққанидан қўшни эшикка мих уриб беркитиб юборди. Қўш деворга қўш уйлар қурилди. Икки қўшни тўй-ҳашамлар қилишди-ю, бир-бирларини чақиришмади...

Орадан уч-тўрт йил ўтди. Кутилмаганда уларнинг уйлари бузиладиган бўлди. Кўп қаватли уйларга кўчишди. Тақдир тасодифни қарангки, икки қўшни «дом»да ҳам ёнма-ён қўшни бўлиб қолишди. Нафақага чиққан қариялар бир-бирлари билан аввалгидек гаплашиб кетишди. Бир куни қўшнилар очиқ ҳавога чиқиб, дам олиб, гурунглашиб қолишди.

— Ҳа, Носирвой, одам дегани шунақа кўзи оч, тўймас бало бўларкан-а. Танобини тортиб қўйсагина инсофга келиб, яшаркан-а.

— Мамасодиқ, «дом» даям ер, девор талашмаймизми-а? Нима дедингиз?..

— «Дом»ни ўйлаб топган европаликларга минг раҳмат! Кенг жойга сиғмаган бизга ўхшаганлар учун ўзига хос махсус жазо экан. Қани энди ким ношукр, иймонсиз бўлса, маҳалла четласа-ю, жойига дарров «дом» бераверса.

— Энди, ўртамизда қўшалоқ қўшни девордан ҳам маҳкам бетон девор турибди бунга нима дейсиз...

**Маҳмуд РАМАЗОН ўғли**

### КЎНГИЛ ИМОРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Дунёда энг мушкул иш — кўнгил Каъбасини обод қилиш дейишади. Чиндан ҳам шундай. Аслида, бир оғиз ширин сўз, бир чимдим меҳр билангина кўнгилни кўкларга кўтариш, битта аччиқ гап, қалтис ҳаракат билан уни вайрон қилиш мумкин. Кекса, хаста, кўнгли ярим кишиларга моддий рағбатдан кўра ҳам маънавий, руҳий рағбат асқотади. Бундан ташқари, ширин сўз, айниқса меҳр билан айтилган сўз ҳар қандай одамга ҳам ҳузур бағишлайди.

Маҳалламиздаги бува ва бувижонларимиз ўз набираларига Ўзбекистон халқ шоири, марҳум Пўлат Мўмин ҳикматларини ўргатиб борадилар. Бу ҳикматлар фарзандларимизнинг бўш вақтини тўғри ташкил этишда, уларда китобга, она Ватанга меҳр-муҳаббат уйғотишда, айниқса, уларни турли зарарли иллатлар ва оқимларга қўшилиб кетишининг олдини олишда асқотади. Бу ишларни элшунос олим Билол Аминов бошлаб, берган, биз бу савобли ишларни давом эттирмоқдамиз. Қуйида сизларга ҳам ўзимиз ўрганаётган, фарзандларимизга ўргатаётган ҳикматларимизни ҳавола этяпмиз. Бу ишимиз сизнинг турмуш, рўзғор ташвишларидан толиққан руҳингизга бир қатим нурдек ёруғлик бера олса, ўзимизни ғоятда бахтиёр ҳисоблаймиз.

*●Яхшиликдан эк дарахт,*
*Мева берар ҳамма вақт.*
*●Излайверма ҳадеб олтин,*
*Бир ғарибнинг кўнглин олгин.*
*●Бемор ҳолин ўзинг сўра,*
*Савоб иш йўқ ундан кўра.*
*●Биласизми сахий инсон,*
*Енгил тортар қилиб эҳсон.*
*●Яхшилик қилавер келса қўлингдан,*
*Бир куни топарсан кўнглингдан.*
*●Сахийнинг кўнгли кенгдир,*
*Энг мусаффо кўкка тенгдир.*
*●Эпласанг бой бўл,*
*Лек ҳотамтой бўл!*
*●Ачиса бир юпунга юрагинг,*
*Ўз халқингга бўлганингдир керагинг.*
*●Меҳр ажиб сеҳрли булоқ.*
*Баҳра олур кўз, юрак, қулоқ.*
*●Тополмаса малҳам,*
*Малҳам эрур сўз ҳам.*
*●Ночорларга ачинмоқни ўргангил,*
*Дўстга гулдек очилмоқни ўргангил.*
*●Кимки чиқса остонасидан,*
*Дуо олсин ота-онасидан.*
*●Тонгда ҳовли супуриш,*
*Ҳар ён атир уфуриш.*
*●Пок одам юзидан таралادур нур,*
*Суҳбати чоғида қиласан ҳузур.*
*●Ўтирмагил қовуштириб қўл,*
*Аслида бу—энг ярамас йўл.*
*●Яхши йўлга йўллаганинг,*
*Бир умрга қўллаганинг.*
*●Кексайганда яхши қай тиш,*
*Юрт, элига раҳмат айтиш.*
*●Қоғоз оппоқ, эй, қалам.*
*Ножўя босма қадам.*

**Гулчеҳра КАРИМОВА**

## Қатралар

### «ЎЗИНГГА БУЮРСИН»

Азиз ака ичкари кирса ховлиси худди эгаси кўчиб кетгандек файзсиз ҳолда. Ҳеч қаерга супурги тегмаган.

— Ишдан яхши келдингизми, чой, овқатим тайёр, қўлингизни ювақолинг, — деб унга пешвоз чиқадиган аҳли аёли кўринмайди. Ҳаммомга кирди. Ювишга берилган майка, кўйлаги ҳамон осиғлиқ. Жаҳл билан боғ эшигини очса, аҳли аёли каравотда дам олиб ўтирибди.

— Нима ишни қойил қилибсанки, хотиржамлигингни қара,—пичинг қилди Азиз ака.

— Уйда ғимир-ғимир қиласан. Ҳеч бир ишинг кўринмайди, деб кўзингизни лўқ қилиб, бошимда ёнғоқ чақасиз. Ҳозир шу кўрганингиз ярим кунлик иш. Ўзингиз бир қилиб кўринг.

— Ишинг ўзингга буюрсин,—деди Азиз ака. —Тани-жонинг соғ бўлгур.

Азиз ака, аҳли аёлининг оилада гўзаллик, файз-барака, саранжомликнинг боиси эканини энди дилдан янаям ҳис қила бошлади.

### КЎРИНИШИГА ҚАРАБ ЭМАС...

—Жуда қоп-қора экан,— деди бир одам тошкўмирнинг фарқига бормай ва ёнидаги оддий тошни ёқтирди.

—Қора бўлса ҳам шуниси керак,—деди бошқаси ва тошкўмирни ёқтириб, ўтга солди. Самоварини қайнатиб, чой ичди. Тандирни қиздириб нон ҳам ёпди.

Тошни ёқтирган-чи?!

—Нарсаларнинг ташқи кўринишига қараб эмас, берадиган фойдасига қараб баҳо бериш лозим экан,—дерди аттанг-аттанглаб.

### РАҲМДИЛЛИК

—Қани, хўш,—деди устоз ўз ҳузурига келиб ўтирган болага.—Чўлда нималар содир бўлди?

—Бир илонни қувлаб тош билан уриб сулайтирдим. Тошбақанинг усти қаттиқ экан синмади. Қумнинг тагига кириб кетди. Қушлар ҳам кўп экан. Вижир-вижир. Рогаткамдан тош отиб биттасиниям ўлдиролмадим...

—Тавба, зўр экансан-у — деди устоз.—Нимани кўрсанг ўшани ўлдиришга борувмидинг? Ҳозирча шогирдликка ололмайман. «Табиат, жониворларга бераҳм бўлган бундай болада инсонга меҳр, шафқат кам бўлади» ўйлайди табиб.

Кечқурун яқинроқ чўлдан келган йигитчанинг гапи эса устозга ёқиб, кўнглини кўтарди:—Бир қуш буталар орасида йиғлаб, чирқиллади. Раҳмим келди. Оёғини оғритаётган ипини ечиб, қўйиб юбордим. Ўзини ҳар ён урабериб, ҳолдан тойган экан, яйраб кетдики...

— Шундоқ савобга қолибсанки, яшавор, бўтам,—деди устоз боланинг нурли юзига тикилиб. — Шогирдликка оламан, келавер. — Жониворларга раҳмдил бўлган бола инсонга ҳам меҳрли, оқибатли бўлади. Келажакда табиб бўлса, беморни чин кўнгилдан даволайди.

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**

## Мунажжим башорати

**3 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА**

**Куёшнинг бугунги ҳолати актёрлик қобилиятларини намоён этиш ва саёҳатларга йўл олиш, катта аудиторияларда маърузалар қилишда омад келтиради. Бугунги кун, шунингдек, адолатни ҳимоя қилиш ва заифлар – кексалар ва болаларни қўллаб-қувватлашда хайрли бўлиши кутилади. Тажовузкорлик ва ортиқча босим фазовий қонуниятларни бузиш билан баробар, аммо иккиюзламачилик янада кўпроқ зарар келтириши мумкин.**

Ой тақвими бугун кунни холироқ равишда ўтказиш, кўпроқ уй-рўзғор ишлари билан банд бўлишни тавсия этади. Очиқ ҳавода, табиат қўйнида сайр қилиш, мусиқа тинглаб дам олиш учун қулай ҳисобланади.

**4 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА**

**Қуёшнинг бугун Қовға буржи 16-даражасида бўлиши мунажжимлар таъбирида “машъала кўтарган одам” рамзини билдиради ва инсонларда юзага келадиган катта меҳнатсеварлик ҳамда ҳаётнинг кўпгина соҳаларида омад ёр бўлишини англатади.**

Қуёшнинг шу кунги ҳолати жамоавий тадбирларда қатнашиш ва кўпчилик одамлар диққатини мураккаб вазифаларни бажаришга жалб қилишга даъват этади.

Ой сайёрасининг самодаги жойлашиши кунни дўстона давраларда, қисиниб-қимтинишга ҳожат бўлмайдиган жойларда ўтказишни тақозо этади.


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

***Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!***
***РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ***
**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2007 йил 6 март куни соат 11:00да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочи бўлинмасининг 25.09.2006 йилдаги №10428/13-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот маркази омборхонасида сақланаётган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 30 N 2175 бўлган «ВАЗ-21013» русумли автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси – 650 078,8 сўм.**

2. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочи бўлинмасининг 06.09.2006 йилдаги №9691/13-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот маркази омборхонасида сақланаётган, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 11 V 0836 бўлган «ИЖ 2715011» русумли автотранспорт воситаси.

**Бошланғич баҳоси – 300 000 сўм.**

2007 йил 6 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган автотранспорт воситалари 13, 15, 20, 22, 27, 29 март ва 3, 5, 10, 12, 17, 19, 24, 26 апрель, 1, 3 май кунлари ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО: 00425, ИНН 200933850; 20210000700571452062 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

**Телефонлар: 399-79-52, 144-44-73, 144-44-72.**
**Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz**
**Лицензия: DB 001 №000004**

Тошкент Молия институти томонидан 2003 йил 14 июлда Мирзамуҳамедова Наргиза Алишеровна номига берилган рўйхат рақами 9523 бўлган №005887 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

***ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!***

**«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 6 март куни соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мулкни қўймоқда.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан 2006 йил 2 ноябрдаги 15104/2-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган «Дипхорижхизмат» омборхонасида сақланаётган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес-Бенц-Вольф» русумли автотранспорт воситаси (двиг.№60293910000442, шасси №WDB46140117067373). **Бошланғич баҳоси-1 700 000 сўм**

Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриши мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдорида закалат пулини «Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» минибанкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001-ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўч. 1-уй. тел. 138-69-94, 138-69-93.

«Победа» автомашинаси сотилади. **Т: 112-39-02**


## ДУШАНБА, 5

**«Ўзбекистон»**

15.00 «Таҳлилнома».
15.45 «Ватанпарвар».
16.45 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
17.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 «Сиз кутган учрашув».
18.00 «Аёл ва жамият».
18.20 «Оҳанглар оғушида».
18.30 «Ошин». Телесериал.
19.00 «Аъло ўйинчи». Телелоторея.
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
21.40 «Янги оҳанглар».
22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).
23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».

**«Ёшлар»**

6.00, 14.30 Янги тонг.
8.00 «Муҳаббат қаҳваси». Сериал.
9.20 Journal.
9.40 «2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили»: «Матонат».
9.55, 12.55, 15.55, 18.55, 21.55 Иқлим.
10.00 Давр ҳафта ичида.
10.30 Эрта сўнган юлдузлар.
11.00 Жаҳон киноси: «Сеҳрланган Элла».
12.40 Ўсмирлар симфонияси.
13.00, 16.00, 19.00, 22.00 Давр.
13.15, 16.15 Тафаккур нури.
13.20 «Навоий». Видеофильм.
14.00 ДаврА.
15.30 «Фан ҳақида 10 дақиқа».
15.40 Ғазал мулки.
16.20 Интерфутбол.
17.50 Нафосат олами.
18.00 «Олтин тулпор дуоибади». Телесериал.
18.30 Дилрабо.
18.45, 20.10 UzEX.
19.30 «Қиш сонатаси». Сериал.
20.15 Наво-SMS.
20.30 Огоҳлик – давр талаби.
21.10 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.30 «Саломея». Сериал.

**«Тошкент»**

17.55 М/ф «Морские псы».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
19.30 «Музыка SMS».
19.50 «Будьте здоровы».
20.20 «Голливудская академия». Док. фильм.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?».
22.10 «Аёл калби».
22.50 Кино «Горбун».

**«Спорт»**

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Версия».
8.30 «Детский спорт».
8.50 «Зоопарк в обувной коробке». Сериал.
9.05 «Малахов +».
10.00 «Талкин».
10.30 «Детективы».
11.00 «АВТОграф».
11.20 Бокс. Чемпионат Узбекистана.
12.20 Биатлон. Чемпионат мира.
18.00 Мультфильм.
18.10 «Кто на что горазд?».
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.50 Футбольное обозрение.
19.10 «Жди меня».
20.00 «Вести».
20.25 «Тет-а-тет».
20.35 «Любовь моя». Сериал.
21.50 «Счастливчик Гилмар». Х/ф.
23.15 ПрофРИНГ.

**«Первый канал»**

5.00 Телеканал «Доброе утро».
9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 23.30 Новости.
9.05 «Малахов+».
10.00 «Вечный зов». Сериал.
11.00, 20.00 «Сестры по крови». Сериал.
12.15 «Понять. Простить».
12.40 «Лолита. Без комплексов».
13.30 «Детективы».
14.25 «Контрольная закупка».
15.15 «Погружение в ад». 2-я серия.
15.50 «Любовь как любовь». Сериал.
16.55 «Федеральный судья».
18.20 «Пять минут до метро». Сериал.
19.10 «Жди меня».
21.00, 3.00 Время.
21.30 Детектив «Любительница частного сыска Даша Васильева».
22.30 «Мурат Насыров. Две версии драмы».
23.45 Теория невероятности.
00.35 «Гении и злодеи».
1.05, 3.30 Фильм «Канонерка»».

**«Россия»**

5.00 «Доброе утро, Россия!».
8.45 Фильм «Табор уходит в небо».
10.50, 13.45, 4.45 Вести. Дежурная часть.
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
11.30, 14.20, 16.40 Местное время. Вести-Москва.
11.50 «Аншлаг и Компания».
12.50 «Частная жизнь».
14.40 Фильм «Своя чужая сестра».
17.15 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
18.15 «Танго втроем». Телесериал.
19.00 Телесериал «Ангел-хранитель».
20.45 Местное время. Вести-Московская область.
21.05 «Спокойной ночи, малыши!».
21.15 Телесериал «Гражданин начальник-3».
23.15 «Дежурный по стране».
00.15 «Вести+».
00.35 «Честный детектив».
1.05 «Синемания».
1.40 «Дорожный патруль».
1.55 Триллер «Эффект спускового крючка».
3.25 Канал «Евроньюс».

**«НТВ»**

6.00 «Сегодня утром».
9.05 «Следствие вели...».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Сегодня».
10.25 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю».
11.00 «Кулинарный поединок».
11.55 «Квартирный вопрос».
13.30, 4.00 Сериал «Сыщики-4».
15.35, 18.30, 21.35, 5.40 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
16.25, 19.35 Сериал «Улицы разбитых фонарей».
20.35 Сериал «Проклятый рай».
22.45 Сериал «Сталин. Live».
23.45 Сериал «Молодые и злые».
00.45 «Школа злословия».
1.35 Фильм «Тело как улика».
3.15 «Совершенно секретно. Информация к размышлению».

**«ТВ-3»**

8.00 Победоносный голос.
8.30 Х/ф «Беги, пума, беги».
10.30 Деньги утром.
11.00 Х/ф «Дикая любовь».
13.00 Х/ф «Пока он не проснулся».
15.00 М/с «Сабрина – маленькая ведьма».
16.00 Х/ф «Дом гнева».
18.00 Х/ф «Искусство войны».
20.30 Киномания.
21.00 Х/ф «Не отступать и не сдаваться».
22.45 Х/ф «Погребенная ложь».
1.00, 4.00 Сериал «Клиент всегда мертв».
2.00 Х/ф «Инстинкт хищника».
5.00 Сериал «Лезвие ведьм».
6.00 Х/ф «Семья Сопрано».
7.00 Релакс.

## СЕШАНБА, 6

**«Ўзбекистон»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 10.25, 11.10, 12.10, 14.15, 16.05, 17.10, 18.10, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.55, 23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
9.20 «Ўйла, Изла, Топ!». Телемусобақа. «Чангалзор китоби». М/с.
10.30 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.50 «Молия ва банк хабарлари».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
11.55 «Дил таронаси».
12.15 Навоий ривоятлари. «Шоҳ Ғариб Мирзо».
12.45 «Одамлардан бири».
13.05, 22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Ватан ҳақида қўшиқлар.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
15.10 «Дил таронаси».
15.20 «Интеллектуал ринг».
16.10 «Шахсий фикр».
16.45 Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.15 Эски альбом.
17.20 ИИВ хабарлари.
17.35 «Оҳанглар оғушида».
17.50 «Рангин дунё».
18.15 «Агар Сиз».
18.35 «Сизнинг адвокатингиз».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Банк ва мижоз».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 «Ернинг муносиб эгасини топиш – долзарб масала».
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).

**«Ёшлар»**

18.00 «Олтин тулпор дуоибади». Телесериал.
18.30 Дилрабо.
18.45 ТВ-банк.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.30 «Қиш сонатаси». Сериал.
20.10 JOKER телелотореяси.
20.15 Наво-SMS.
20.25 Давр мавзуси.
20.40 KINOMANIYA.
21.10 Эълонлар.
21.15 «Муҳаббат дардлари». Сериал.
22.30 «Саломея». Сериал.

**«Тошкент»**

7.30 «Здравствуй, Ташкент!».
8.30, 10.00, 10.45, 18.25, 18.45, 20.15, 21.45, 22.45 «Анонс».
8.35, 18.50 «Гвадалупе». Телесериал.
9.15, 21.25 «Эслайсизми, ёдингиздами?».
9.20, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.40 «Аёл қалби».
10.05, 19.30 «Музыка SMS».
10.25 «Будьте здоровы».
10.35, 20.50 «Интервью».
10.50 Кино: «Горбун».
17.55 М/ф «Морские псы».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Соғинч».
20.20 «Голливудская академия». Док. фильм.
21.00 «Жозиба».
22.10 «Премьера».
22.50 Кино «Правила съема, метод хитча».

**«Спорт»**

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 10.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20, 18.00 «Детский спорт».
8.35 «Зоопарк в обувной коробке». Сериал.
9.05 «Малахов+».
10.20 «Детективы».
10.50 Бокс. Чемпионат Узбекистана.
11.50 Биатлон. Чемпионат мира.
18.15 Мультфильм.
18.50 «Сам себе режиссер».
19.35 «Богатырские игры».
20.00 «Вести».
20.20 «Любовь моя». Сериал.
21.10 «Спорт – моя жизнь».
21.50 «Троя». Х/ф.
23.10 Еврофутбол. Чемпионат Голландии.

**«Первый канал»**

5.00 Телеканал «Доброе утро».
9.00, 12.00, 14.00, 15.00, 18.00, 23.30 Новости.
9.05 «Малахов+».
10.00 «Вечный зов». Сериал.
11.00, 19.55 «Сестры по крови». Сериал.
12.10 «Понять. Простить».
12.40 «Лолита. Без комплексов».
13.25 «Детективы».
14.25 «Контрольная закупка».
15.15 Вне закона. «Странности любви».
15.50 «Любовь как любовь». Сериал.
16.55 «Федеральный судья».
18.20 «Пять минут до метро». Сериал.
19.10 «Пусть говорят».
21.00, 3.00 Время.
21.30 Детектив «Любительница частного сыска Даша Васильева».
22.30 «Подлинная история Анки-пулеметчицы».
23.45 Искатели. «Потерянная свобода».
00.35 Ударная сила. «Плазменная атака».
1.25, 3.30 Триллер «Отцы и сыновья».
3.40 Комедия «Пленники удачи».

**«Россия»**

5.00 «Доброе утро, Россия!».
8.45 «Василий Лановой. Чувство цели».
9.45, 13.45, 4.45 Вести. Дежурная часть.
10.00, 11.50, 21.15 Телесериал «Гражданин начальник-3».
11.00, 14.00, 17.00, 20.00 Вести.
11.30, 14.20, 16.40 Местное время. Вести-Москва.
12.50 «Частная жизнь».
14.40 «Суд идет».
16.00 «Кулагин и партнеры».
17.15 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
18.15 «Танго втроем». Телесериал.
19.00 Телесериал «Ангел-хранитель».
20.45 Местное время. Вести-Московская область.
21.05 «Спокойной ночи, малыши!».
23.15 «Нюрнбергский процесс. Последнее сражение».
00.15 «Вести+».
00.35 Комедия «Чужие деньги».
2.30 «Дорожный патруль».
2.50 Сериал «Закон и порядок».
3.40 Телесериал «Война в доме».
4.00 Канал «Евроньюс».

**«НТВ»**

6.00 «Сегодня утром».
9.05 «Наше все!».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Сегодня».
10.25 «Чистосердечное признание».
11.00 «Две правды».
12.00 Сериал «Я все решу сама».
13.25, 19.35 Сериал «Улицы разбитых фонарей».
14.30 Сериал «Жизнь – поле для охоты».
15.35, 18.30, 21.30, 5.35 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
16.25, 1.10 Сериал «Возвращение Мухтара».
20.35 Сериал «Проклятый рай».
22.45 Сериал «Сталин. Live».
23.45 Сериал «Молодые и злые».
00.40 «Top gear».
2.45 «Криминальная Россия».
3.15 «Совершенно секретно. Информация к размышлению».
4.00 Сериал «Не ссорьтесь, девочки».

**«ТВ-3»**

8.00 Победоносный голос.
8.30 Х/ф «Терапия».
10.30 Деньги утром.
11.00 Х/ф «Когда солнце было богом».
13.00 Х/ф «Необыкновенное путешествие».
15.00 М/с «Сабрина - маленькая ведьма».
16.00 Х/ф «Отряд «Дельта».
18.30 Х/ф «Сказочный принц».
20.30 Киномания.
21.00 Х/ф «Голоса».
23.00 Х/ф «Хроники Хуаду: Лезвие розы».
1.00, 4.00 Сериал «Клиент всегда мертв».
2.00 Х/ф «Во власти незнакомца».
5.00 Сериал «Лезвие ведьм».
6.00 Сериал «Семья Сопрано».
7.00 Relaks.

## ЧОРШАНБА, 7

**«Ўзбекистон»**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 10.20, 11.10, 13.00, 14.15, 16.05, 17.10, 18.35, 20.00, 21.35 ТВ анонс.
8.40, 11.55, 17.15 Олтин мерос.
8.55, 23.00 «Олам ва одам» дастури: «23,5 даража бурчак остида».
9.20 «Олтин тож». Телеўйин. «Чангалзор китоби». М/с.
10.25 ИИВ хабарлари.
10.40 «Банк ва мижоз».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55, 13.55, 19.20, 20.50 «Дунё иқлими».
11.15, 20.05 «ТВ шифокор».
11.20, 20.10 «Оила ришталари». Телесериал.
12.05 «Ягона оилада».
12.25 Навоий ривоятлари. «Шоҳ Ғариб Мирзо».
13.05, 22.00 «Икки тақдир». Телесериал.
13.45 Ватан ҳақида қўшиқлар.
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Кусто командасининг сувости саргузаштлари».
15.10 «Дил таронаси».
15.15 «Оддий ҳақиқатлар».
16.10 «Ернинг муносиб эгасини топиш – долзарб масала». «Бизнинг кутубхона».
«Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.20 «Эркин иқтисодиёт».
17.40 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
18.00 «Оҳанглар оғушида».
18.15 «Умр мазмуни».
18.40 «Ошин». Телесериал.
19.10 «Омад зарлари». Телелоторея.
19.15 «Молия ва банк хабарлари».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
21.40 Эркин мавзу.
22.45 «Қўшиғимсан, муҳаббат». (SMS. Овоз бериш).

**«Ёшлар»**

6.00, 14.30 Янги тонг.

*(Давоми 4-бетда)*

